

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**ГАППАРОВ БУНЁД МАМАТҚУЛОВИЧ**

**ЎЎЗАНИНГ *G.HIRSUTUM* L. ТУРИ ГЕНОТИПЛАРИНИ БОЙИТИШДА  
*G.ARBOREUM* L. ҲАМДА *G.MUSTELINUM* ТУРЛАРИ ГЕНЕТИК  
ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Гаппаров Бунёд Маматкулович**

Ўзанинг *G.hirsutum* L. тури генотипларини бойитишда *G.arboreum* L.  
хамда *G.mustelinum* турлари генетик потенциалидан фойдаланиш.....3

**Гаппаров Бунёд Маматкулович**

Использование генетического потенциала видов *G.arboreum* L. и  
*G.mustelinum* для обогащения генотипов вида *G.hirsutum* L.....21

**Gapparov Bunyod Mamatkulovich**

Using the genetic potential of *G.arboreum* L. and *G.mustelinum* species in the  
enrichment of *G.hirsutum* L. genotypes of cotton.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**ГАППАРОВ БУНЁД МАМАТҚУЛОВИЧ**

**ЎЎЗАНИНГ *G.HIRSUTUM* L. ТУРИ ГЕНОТИПЛАРИНИ БОЙИТИШДА  
*G.ARBOREUM* L. ҲАМДА *G.MUSTELINUM* ТУРЛАРИ ГЕНЕТИК  
ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2024**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/B1049 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кушанов Фахриддин Нейматуллаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қаххаров Иззатулло Тиловович**  
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, кат. и.х.

**Бобоев Сайфулла Гафурович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Давлат Аграр Университети**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111208, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз қўрғони 266 - уй, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-23-90; e-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz).)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111208, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз қўрғони 266 - уй, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Нариманов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к/х.ф.д.,  
профессор

**И.Дж. Курбанбаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф.д.,  
профессор

**С.К. Бобоев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кун глобал иқлим ўзгариши шароитида, қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси ва селекциясида турлараро дурагайлаш ҳамда экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланган холда янги навлар яратилишига бўлган талаб ортмоқда. Сўнгги йилларда, ушбу услубларни қўллаш орқали ўсимлик ирсиятини ўзгартириш асосида турли муҳит шароитларига тез мослаша оладиган янги генотиплар олишга ва уларнинг генетик потенциалини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташқи муҳитнинг турли стресс омилларига чидамлик потенциалини мужассамлаштирган бошланғич манбалар яратишда ушбу услублардан генетика ҳамда селекция амалиётида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда пахтачилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган изланишларда ғўзанинг дунёвий генофонди потенциали ўрганилмоқда, уларни селекция жараёнига жалб қилишнинг мавжуд усуллари такомиллаштирилмоқда ҳамда янги услублар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш асосида ўзида ноёб белгиларни мужассамлаштирган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган шакллар билан ғўза генофондини бойитиш борасида ҳам муҳим ишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда, *G.mustelinum* Miers ex Watt тетраплоид тури ҳамда *G.arboreum* L диплоид тури ва шу турга мансуб туричи хилма-хилликларини филогенетик жиҳатдан баҳолаш, улардан барқарор, янги генетик асосга эга рекомбинантларни ажратиш олиш, шунингдек *G.hirsutum* L. турига мансуб маданий навлар потенциалини бойитишда фойдаланиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда пахтачилик соҳасини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, хусусан ғўзанинг тезпишар, ҳосилдор, ва тола сифати юқори бўлган янги навларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида<sup>1</sup> “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” бўйича ҳам вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда ғўзанинг *G.mustelinum* ёввойи ҳамда *G.arboreum* L. маданий турлари иштирокида олинган шакллари билан *G.hirsutum* L. маданий турига мансуб айрим навлар, ўртасидаги ўзаро филогенетик муносабатларни аниқлаш, турлараро дурагайлаш, экспериментал полиплоидия усуллари қўллаш асосида селекция тадқиқотлари учун қимматли манбалар ажратиш олиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони

60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 13 майдаги 282-сонли “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг миллий генбанкни яратиш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *G.mustelinum* ғўза турининг бошқа тетраплоид турлар билан филогенетик муносабатлари ҳамда эволюцион систематикадаги ўрни Р.А.Fryxell (1992) томонидан аниқланган; D.R.Dejoodie ва бошқа олимлар (1992) томонидан тетраплоид *G.tomentosum* Nutt ex Seem., *G.mustelinum*, *G.darwinii* Watt. ва *G.hirsutum* L. турларининг коллекциялари устида олиб борилган тадқиқотлар асосида кун узунлигига таъсирчанлиги ҳамда узун кун шароитида умуман гулламаслиги каби хусусиятлари туфайли селекцион мақсадларда ёввойи турлардан фойдаланиш имкони деярли мавжуд эмаслиги таъкидланган. В.В.Gardunia (2006) томонидан *G.mustelinum* туридан ғўза генетик хилма-хилликларини бойитишда ҳамда ушбу ёввойи турдаги қимматли хўжалик белгилари ва хусусиятларни маданий навларга ўтказишда фойдаланилган.

Р.А.Fryxell (1992), J.C. McCarty, J.N.Jenkins. *et al.* (1998), S.S.Mehetre (1993), I.P.Menezes *et al.* (2014), А.М.Narula (2001) В.Т.Campbell *et al.* (2010), С.Л.Brubaker *et al.* (1999), Wendel J.F., Grover С.Е. (2015) S.Jindal *et al.* (2022) каби тадқиқотчилар томонидан *Gossypium* L. туркумида турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида қимматли хўжалик белгиларини яхшилаш, шунингдек касаллик ва зараркунандаларга чидамли донорлар олиш бўйича изланишлар олиб борилган. Мамлакатимизда А.А.Абдуллаев (1974), Х.Бабамуратов (1975), О.Коланов (1986), С.М.Ризаева (1996), Ф.Н.Кушанов (2017), Ф.У.Рафиева (2017), Б.Х.Аманов (2018) Б.А.Сирожиддинов (2020), Ҳ.А.Мўминов (2022) каби тадқиқотчилар томонидан *Gossypium* L. туркуми турларини баҳолаш, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамли бўлган ноёб дурагай шаклларни яратиш ҳамда ғўза генофондини янги генотиплар билан бойитиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган.

Бирок, *G.mustelinum* тетраплоид ҳамда *G.arboreum* L. диплоид турларининг генетик потенциалидан ўрта толали ғўзанинг генотипларини бойитиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича даражада олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “*Gossypium* L. туркумининг дунёвий биохилма-хиллигини генетик потенциалини ўрганиш, филогениянинг классик услублари асосида, ташқи муҳитнинг биотик таъсирларига бардошли донорлар яратиш” мавзусидаги давлат бюджетидан молиялаштирилаётган (2020-2022 йй.) илмий тадқиқот дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия усулларини қўллаш асосида ғўзанинг *G.hirsutum* тури генотипларини бойитишда *G.arboreum* L. ва *G.mustelinum* турларининг генетик потенциалидан фойдаланишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Ќўза генофонди” ноёб объекти коллекциясидан *G.hirsutum* L. турига мансуб турли генеологияга эга навларни, *G.arboreum* L. диплоид турининг баъзи туричи хилма-хилликларини ҳамда *ex-situ* ҳолатида сақланаётган *G.mustelinum* турининг тоза генотипли шаклини танлаб олиш;

ДНК маркер технологияси усуллари ёрдамида *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликлари ҳамда *G.mustelinum* тури ўртасидаги ўзаро филогенетик муносабатларни ойдинлаштириш;

*G.arboreum* L. турига мансуб туричи хилма-хилликларига экспериментал полиплоидия усулини қўллаш асосида улардан  $C_1$  автополиплоид шакллар олиш;

*G.mustelinum* тури ҳамда *G.arboreum* L. турига мансуб туричи хилма-хилликларининг ўзаро чатишувчанлик имкониятларини аниқлаш;

$C_1$  автополиплоид шаклларни цитогенетик таҳлиллар асосида ўрганиш;

*G.hirsutum* L. турининг тизма ва навларини *G.mustelinum* ҳамда  $C_1$  *G.arboreum* L. турларининг  $F_1$  дурагайи билан реципрок чатиштириб, мураккаб дурагайлар олиш;

$F_1$  ва  $F_2$  авлодларида қимматли хўжалик белгилари таҳлиллари асосида селекция жиҳатидан қимматли ашёларни ажратиб олиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ғўзанинг *Gossypium* L. туркумига мансуб *G.mustelinum* ёввойи тетраплоид тури, *G.arboreum* L. диплоид турига мансуб *ssp.obtusifolium*, *ssp.obtusifolium* var.*indicum*, *ssp.perenne* (рудерал), *ssp.neglectum* (тропик), *ssp.neglectum f.sanguineum*, *ssp.nanking* (новвотранг толали), *ssp.nanking* (оқ толали) шакллари ҳамда А-352 нав намунаси (маданий субтропик), *G.hirsutum* L. турига мансуб “Л-815” тизмаси, “Генофонд-2” ва “Омад” навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни *Gossypium* L. туркумига мансуб *G.hirsutum* L., *G.mustelinum* тетраплоид турлари ҳамда *G.arboreum* L. диплоид тури айрим кенжа турлари ўртасидаги ўзаро филогенетик муносабатлар, шунингдек турлараро чатиштириш асосида олинган дурагайлардаги баъзи қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик

хусусиятлари таҳлиллари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотларини амалга оширишда ғўза генетикаси ва селекциясининг анъанавий усулларида, жумладан турлараро дурагайлаш, қиёсий морфология, фенологик кузатувлар; геном ДНК ажратиш, гель-электрофорез ва ПЗР-скрининг каби молекуляр-генетик усуллардан; цитогенетика ёндашувларидан, шунингдек статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маълум миқдордаги ДНК маркерлари асосида *Gossypium* L. туркумига мансуб *G.mustelinum* ҳамда *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликлари ўртасидаги филогенетик муносабатлар аниқланган;

анъанавий ва молекуляр-генетик таҳлил натижаларига кўра, диплоид *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларидан биргина *nanking* (оқ ва новвотранг толали) кенжа тури тетраплоид *G.mustelinum* турига филогенетик жиҳатдан яқинлиги исботланган;

*G.mustelinum* ҳамда *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро имкониятлари, шунингдек  $C_1$  автополиплоид шакллар билан *G.mustelinum* тури ўртасидаги ўзаро чатишувчанлик имкониятлари очиқ берилган;

ота-она намуналари ўртасида (*ssp.neglectum f.sanguineum*, *G.mustelinum*) шўрланиш стресс омилига, (*ssp.neglectum f.sanguineum*, *ssp.nanking*, *G.mustelinum*) вирусли ва бактериал касалликларга, шунингдек (*ssp.neglectum f.sanguineum*) қурғоқчилик стрессига чидамлик билан ассоциацияланган маркерларларнинг юқори полиморфизми аниқланган;

$C_1$  *ssp.nanking* (новвотранг),  $C_1$  *ssp.neglectum f.sanguineum*,  $C_1$  *ssp.obtusifolium var.indicum* автополиплоид ўсимликларида микроспорогенез босқичида барча оналик чанг хужайраларида хромосомалар конъюгациясида айрим бузилишлар (ўртача битта оналик чанг хужайрасида  $-12^I$  (унивалентлар),  $18^{II}$  (бивалентлар),  $2^{IV}$  (квадривалентлар) кузатилиб, бу шаклларда структуравий хромосома ўзгарувчанлиги мавжудлигидан далолат бериши очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*G.mustelinum* тетраплоид тури ҳамда диплоид *G.arboreum* L. турига мансуб туричи хилма-хилликларининг классик ва молекуляр-генетик таҳлиллари асосида *Gossypium* L. туркуми бўйича мавжуд классификация янада такомиллаштирилган;

экспериментал полиплоидия усуллари асосида ғўзанинг генетик тадқиқотларида ноёб бошланғич манба ҳисобланадиган *G.arboreum* L. турига мансуб туричи хилма-хилликларининг автополиплоид шакллари олинган;

*G.hirsutum* L. турига мансуб тизма ва навлар билан *G.mustelinum* ×  $C_1$  *G.arboreum* L. биринчи авлод ( $F_1$ ) дурагайини ўзаро реципрок чатиштириш асосида мураккаб дурагайлар олинган;

$F_2$  *G.hirsutum* L. × (*G.mustelinum* ×  $C_1$  *G.arboreum* L.) популяциясидаги ижобий трансгрессив ўзгарувчанлик асосида, оч новвот рангли, тола чиқими – 40,1-42,0%, ҳамда битта кўсақдаги пахта вазни – 6,1-7,0 грамм бўлган

селекция жиҳатидан истиқболли шакллар ажратиб олинган;

“Л-815” тизмасининг қимматли-хўжалик белгилари такомиллаштирилган ва бу тизма асосида ўрта толали ғўза турига мансуб “Афросиёб-28” нави яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда қўлланилган усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижда ва юртимизда амалга оширилган тадқиқот таҳлиллари билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижаларнинг республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация иши натижаларининг Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзанинг *G.mustelinum* тетраплоид тури ҳамда *G.arboreum* L. диплоид тури ва унинг туричи хилма-хилликлари ўртасида классик генетика усуллари, шунингдек молекуляр-генетиканинг ДНК-маркерлар технологияси усулларида фойдаланган ҳолда ўзаро филогенетик муносабатлари аниқланганлиги, ота-она шакллари ўртасида юқори полиморфизм намоён этган ва қимматли хўжалик белгилари бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган F<sub>2</sub> дурагай комбинациялари ҳамда ДНК-маркерлари келгусида ушбу белгиларни назорат қилувчи микдорий белгилар локусларини (QTL) молекуляр-генетик хариталаш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахтачилик соҳасининг замонавий талабларига жавоб берадиган, янги генетик асосга эга ғўза навларини яратишда автополиплоидия усулларини қўллаш, колхицин моддаси таъсирида *G.arboreum* L. тури ва туричи хилма-хилликлари хромосомалари сонини каррали ( $2n=4\times=52$ ) ошириш асосида *G.hirsutum* L. турига мансуб намуналар генотипларини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги амалий жиҳатдан исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Классик генетика усуллари, шунингдек молекуляр-генетиканинг ДНК-маркерлар технологияси усулларида фойдаланган ҳолда *G.mustelinum* ҳамда *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликлари ўртасидаги филогенетик муносабатларни аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

Афросиёб-28 навига интеллектуал мулк агентлигидан селекция ютуғи сифатида патент олинган (30.11.2022 йил, № NAP 00424). Натижада, ушбу навадан юқори ҳосил олиш имконини берган;

янги яратилган дурагай популяциялар ва синтетик полиплоид шаклларнинг уруғлик материаллари (уруғлари) Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Ўзга генофонди” ноёб объекти коллекциясига киритилган (ЎЗР ФА нинг 2023 йил 23 октябрдаги 4/1255-2358-сон маълумотномаси). Натижада, иккинчи авлод дурагай намуналари

уруғлари ўрта толали ғўза коллекцияси фондини янада бойитиш ҳамда электрон база ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган;

Афросиёб-28 ғўза нави Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги “Давқум Шоимов” фермер хўжалигида 10 га майдонга янги нав сифатида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 14 декабрдаги 07/21-06/1479-сон маълумотномаси). Натижада, Афросиёб-28 нави ўзининг наводорлиги, ҳосил элементларининг кўплиги, сентябрь ойининг сўнгги кунига қадар ҳосилнинг тўлиқ очилиши ва энг муҳими, вилтга чидамли эканлиги билан ушбу фермер хўжалиги асосий пахта майдонларига экилган “Бухоро-6” (андоза) навидан ижобий устунлигини намоён этиб, 5,9 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 таси хорижий ҳамда 3 таси республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижаси, илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“Взанинг *Gossypium* L. туркуми таксономияси, систематикаси ва эволюцияси; ундаги турларнинг ўзаро филогенетик муносабатлари”** деб номланган диссертациянинг биринчи бобида *Gossypium* L. туркумига мансуб ғўза турлари хусусан, *G.mustelinum* тури ҳамда *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг систематикаси ва филогенияси, уларни ўрганишда турлараро дурагайлаш ҳамда экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш, танланган бошланғич объектларнинг тадқиқотлардаги аҳамияти борасида маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари атрофлича таҳлил қилинган.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Тадқиқот объектлари ва услублари, тажрибаларни ўтказиш шароитлари”** да, тажрибаларни ўтказиш

шароитлари, тадқиқот манбалари, тадқиқотнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар, кимёвий реактив ва реагентлар, асбоб-ускуналар, ўсимлик материаллари, SSR-маркерлар коллекцияси ҳақидаги маълумотлар; шунингдек генетик ва цитологик ҳамда молекуляр-генетик усуллар, жумладан геном ДНК ажратиш, полимераза занжир реакцияси, геле-электрофорез, ПЗР асосида олинган тадқиқот намуналари маълумотларини генотиплаш, филогенетик шажара тузиш, статистик усуллар кенг ёритилган.

**“*G.mustelinum* ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро филогенетик муносабатлари ҳамда улар асосида дурагай ва синтетик полиплоид шакллар олиш”** деб номланган диссертациянинг учинчи бобида *G.mustelinum* тетраплоид ғўза тури билан *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро молекуляр-филогенетик муносабатлари, уларнинг ўзаро чатишувчанлик имкониятлари, *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликлари асосида автополиплоид шакллар олиш ва уларнинг цитогенетик хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган.

ДНК маркерлар технологияси усулларидадан фойдаланиб, *G.mustelinum* тури ҳамда *G.arboreum* L. тури туричи хилма-хилликлари ўртасидаги ўзаро филогенетик муносабатларига аниқлик киритиш мақсадида, молекуляр тадқиқотлар амалга оширилди. Тадқиқот намуналари ПЗР усули ёрдамида 85 та SSR ҳамда 25 та ген-специфик маркерлар билан скрининг қилинди.

Сўрувчи зараркунандаларга чидамлик билан генетик бириккан BNL1705 маркери ёрдамида амалга оширилган ПЗР скрининги натижасига кўра 1-5-намуналар ≈195 ж.а., 6-8-намуналар ≈145 ж.а. ўлчамдаги аллеллар мужассам этган бўлса, фақат 9-намуна 1 та 150 жуфт нуклеотид аллелига эга бўлиб, бошқа намуналардан ажралиб турди (1-расм).




**1-расм.** BNL1705 маркери ёрдамида ПЗР натижаси электрофореграммаси. М – Маркер DNA Ladder, 50 ng/μl концентрацияли), 1-*G.arboreum* L. ssp.*obtusifolium* 2-*G.arboreum* L. ssp.*obtusifolium* var.*indicum*. 3-*G.arboreum* L. ssp.*neglectum* 4-*G.arboreum* L. ssp.*nanking* (нов.т-ли). 5-*G.arboreum* L. ssp.*nanking* (ок) 6- *G.arboreum* L. ssp.*perenne* 7-*G.arboreum* L. ssp.*neglectum* f *sanguineum*. 8-*G.mustelinum* 9-«А-352» намунаси.

Олиб борилган филогенетик таҳлилларга мувофиқ намуналар 2 та асосий гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳ *G.arboreum* турига мансуб 4 та (*perenne*, «А-352»

намунаси *obtusifolium*; *indicum*) намунани, 2-гурух *G.arboreum* турининг қолган 4 та (*neglectum f.sanguineum*, *neglectum*, *G.mustelinum*, *nanking* (новвотранг ва оқ) намуналарини ўз ичига олди.

Классик ва молекуляр-генетик таҳлил натижалари тетраплоид *G.mustelinum* турининг диплоид *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларидан фақатгина *nanking* (оқ ва новвотранг) кенжа турига филогенетик жиҳатдан бирмунча яқин эканлигини кўрсатди (2-расм).



2-расм. *G.mustelinum* ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликлари ўзаро филогенетик муносабати дендрограммаси.

Ота-она генотиплари сифатида фойдаланилган намуналарда битта кўсақдаги чигитлар сони ҳамда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи каби муҳим морфо-хўжалик белгилар ўрганиб чиқилди. Бунда ёввойи *G.mustelinum* турида тўлиқ уруғлар тугилиши 80,0%ни ташкил этганлиги, *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларида эса кўсақдаги тўлиқ уруғлар тугилиши фоизи бўйича юқори кўрсаткич *ssp.obtusifolium* кенжа турида 76,7%, тўлиқ чигитлар сони ўртача 9,1 дона, пуч чигитлар сони эса 2,9 донани ташкил этганлиги қайд этилди. Белги бўйича нисбатан паст кўрсаткич А-352 намунасида бўлиб 69,4%, тўлиқ чигитлар сони 10,5 дона, пуч чигитлар сони 4,6 дона эканлиги кузатилди. *G.hirsutum* L. турига мансуб навлардан “Л-815” тизмаси ва “Генофонд-2” навларида ушбу кўрсаткич мос равишда 86,4% ва 84,6%ни, кўсақдаги тўлиқ чигитлар сони эса мос равишда 30,6 донани ва 32,4 донани ташкил этганлиги кузатилди. “Омад” навида эса нисбатан юқори натижа 90,5% кузатилиб, тўлиқ чигитлар сони 32,2 донани ташкил этганлиги аниқланди.

Турларнинг чатишувчанлик имкониятларини ўрганиш мақсадида *G.mustelinum* тури ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро чатиштириш ишлари олиб борилиб, натижада 9 та дурагай комбинациялар олинди. Ўз навбатида, чатиштириш асосида олинган турлараро дурагайларда ҳам кўсақларнинг ҳамда улардаги тўлиқ уруғларнинг тугилиш фоизи хусусиятларни ўрганиш бўйича таҳлиллар олиб борилди (1-жадвал).

Дурагайлаш натижаларига кўра *ssp.neglectum* × *G.mustelinum*

комбинациясида кўсакларнинг тугилиш фоизи – 18,9%ни, тўлиқ уруғлар тугилиш даражаси эса ўртача – 55,4%ни ташкил этганлиги кузатилди. Дурагайланиш бўйича паст кўрсаткич  $F_1$  *ssp.nanking* (оқ) × *G.mustelinum* комбинациясида дурагайланиш даражаси – 6,5%ни, кўсакда тўлиқ чигитлар тугилиши – 28,3% ни, реципрок *G.mustelinum* × *ssp.nanking* (оқ) комбинациясида эса дурагайланиш даражаси – 20% ни, тўлиқ чигитлар тугилиши – 22,2%ни ташкил этганлиги аниқланди. *G.mustelinum* турининг *G.arboreum* L диплоид тури хилма-хилликлари ва *G.hirsutum* L. турининг маданий навлари билан дурагайланиш даражаси барча дурагай комбинациялари бўйича паст бўлганлиги, мос равишда, тўлиқ чигитлар тугилиш даражалари ҳам паст бўлганлиги аниқланди.

### 1-жадвал

#### *G.mustelinum* ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро дурагайланиши ва дурагай кўсакларида тўлиқ уруғ тугилиши, %

№	Дурагай комбинациялар	Кўсак тугилиш фоизи	Тўлиқ уруғлар тугилиши, %			
			$\bar{x} \pm S$ $\bar{x}$	Min-Max	S	V%
1.	<i>G.mustelinum</i> × <i>ssp.obtusifolium</i>	20,0	83,0±1,1	80,0-86,6	3,4	4,0
2.	<i>G.mustelinum</i> × <i>ssp.nanking</i> (оқ)	20,0	22,2±1,5	16,6-25,0	4,9	21,8
3.	<i>ssp.nanking</i> (оқ) × <i>G.mustelinum</i>	6,5	28,3±1,6	20,0-33,5	5,2	18,2
4.	<i>ssp.obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> × <i>G.mustelinum</i>	23,1	59,6±3,9	46,2-70,0	12,2	20,4
5.	<i>ssp.perenne</i> × <i>G.mustelinum</i>	5,4	55,1±7,8	30,7-80,0	24,7	44,7
6.	<i>ssp.neglectum</i> × <i>G.mustelinum</i>	18,9	55,4±7,3	18,1-89,4	23,1	41,6
7.	<i>ssp.neglectum</i> f. <i>sanguineum</i> × <i>G.mustelinum</i>	23,8	46,5±2,6	36,8-53,8	8,1	17,3
8.	<i>ssp.nanking</i> (новвотранг) × <i>G.mustelinum</i>	10,8	43,4±9,6	18,1-85,0	29,3	67,4
9.	A-352 × <i>G.mustelinum</i>	17,2	40,7±5,8	16,6-63,6	18,2	41,8

Тадқиқотлар давомида *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларига колхицин таъсир эттириб автополиплоид шакллар олинди. *G.arboreum* L автополиплоид шакллари ( $2n=4\times=52$ ) билан тетраплоид *G.mustelinum* ўзаро чатиштирилди. Дурагайлаш жараёнида *G.mustelinum* тури билан *G.arboreum* L турининг *ssp.nanking* (новвотранг ва оқ) вакиллари билан дурагайлар олишга эришилди. Жами, *G.mustelinum* ×  $C_1$  *ssp.nanking* оқ толали ( $2n=4\times=52$ ) комбинацияси бўйича 153 та чатиштиришлар ўтказилди ва 72 та тўлиқ дурагай кўсаклар олинди. Бунда чатишувчанлик даражаси – 47,1%, кўсаклардаги тўлиқ уруғлар тугилиши эса – 77,2% ни ташкил қилди. *G.mustelinum* ×  $C_1$  *ssp.nanking* (новвотранг) ( $2n=4\times=52$ ) комбинацияси ўтказилган 145 та чатиштиришлардан 74 та дурагай кўсаклар олинди. Чатишувчанлик кўрсаткичи – 51,0%, кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиши – 75,2%, ўзгарувчанлик коэффициенти эса – 5,5%ни ташкил этганлиги қайд этилди (2-жадвал).

Битта кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиш кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, белги бўйича нисбатан юқори кўрсаткич  $F_1$  *G.mustelinum* ×

*ssp.nanking* оқ толали ( $2n=4\times=52$ ) комбинациясида қайд этилиб, – 77,2%, ўзгарувчанлик коэффициенти – 5,1 ташкил қилганлиги аниқланди.  $F_1$  *G.mustelinum* ×  $C_1$  *ssp.nanking* (новотранг) ( $2n=4\times=52$ ) комбинациясида эса уруғ тугилиши нисбатан пастроқ (71,4%), ўзгарувчанлик коэффициенти эса 7,3%ни ташкил қилганлиги кузатилди.

## 2-жадвал

### *G.mustelinum* тури ва $F_1$ *ssp.nanking* автополиплоид шаклларининг ўзаро дурагайланиш даражаси, %

№	Дурагай комбинациялар	Чатиштиш сони	Олинган дурагай кўсак		Кўсакда тўлиқ уруғларнинг тугилиш фоизи				
			дона	%	$X \pm S_x$	limit	S	V%	-
1	<i>G.mustelinum</i> × $C_1$ <i>ssp.nanking</i> (новотранг)	153	72	47,1	77,2±1,6	40,0-54,4	4,8	10,1	-0,86
2	<i>G.mustelinum</i> × $C_1$ <i>ssp.nanking</i> (оқ)	145	74	51,0	75,2±1,4	67,6-82,1	4,1	5,5	-0,73

Ёввойи диплоид ҳамда тетраплоид турлардаги ижобий белгиларни маданий навлар таркибига ўтказиш шунингдек, турлараро дурагайлаш, полиплоидия услубларини кўллаш орқали уларнинг индивидуал ноёб белги ва хусусиятларини битта генотипга йиғиш мақсадида  $F_1$  дурагай комбинациялар ўсимликлари маданий навлар ва тизмалар билан ўзаро чатиштирилди. “Л-815” тизмаси, “Генофонд-2” ва “Омад” навлари ҳамда  $F_1$  *G.mustelinum* ×  $C_1$  *G.arboreum ssp.nanking* (новотранг) комбинацияси ўзаро чатиштирилди. Бунда, “Л-815” тизмаси × (*G.mustelinum* ×  $C_1$  *ssp.nanking* (новотранг) комбинациясида чатишувчанлик 40,8%, тўлиқ уруғлар тугилиши эса 58,3%ни ташкил этди.  $F_1$  *G.mustelinum* ×  $C_1$  *G.arboreum ssp.nanking* (новотранг) она ўсимлик сифатида иштирок этган реципрок комбинацияда 75,9% чатишувчанликка ҳамда 56,4% дурагай кўсаклардаги тўлиқ уруғлар тугилишига эришилди. Худди шундай дурагайлаш Генофонд-2 нави билан ҳам олиб борилди. Бунда,  $F_1$  *G.mustelinum* ×  $C_1$  *G.arboreum ssp.nanking* (новотранг) донор ўсимлик сифатида иштирок этганда 203 та чатиштириш ишларидан 100 та дурагай кўсак олинди, чатишувчанлик фоизи 49,4% ни ташкил қилганлиги қайд этилди. Дурагай кўсаклардаги тўлиқ уруғлар тугилиши эса 73,9% бўлганлиги аниқланди. Реципрок  $F_1$  *G.mustelinum* ×  $C_1$  *G.arboreum L. ssp.nanking* (новотранг) × “Генофонд-2” нави комбинацияси бўйича ўтказилган 196 та чатиштириш натижасида чатишувчанлик 74,2%, дурагай кўсаклардаги тўлиқ уруғлар тугилиши эса 67,6% эканлиги кузатилди.

Тадқиқотлар давомида ўтказилган экспериментал полиплоидия усули асосида *G.arboreum L.* турининг саккизта хилма-хилликларида автополиплоид шакллар олинди. Олинган *G.arboreum L.* турига мансуб 5 та туричи хилма хилликлари (*ssp.neglectum f.sanguineum*, *ssp.obtusifolium var.indicum*, *ssp.nanking* (новотранг)) автополиплоид шакллари ўсимликларида цитогенетик таҳлиллар олиб борилди.

$C_1$  *ssp.nanking* (новотранг) ўсимликларида 11 та оналик чанг

хужайраларида мейознинг метафаза I босқичи (M<sub>I</sub>) жараёни ўрганилди. Таҳлил қилинган барча оналик чанг хужайралари бу ўсимликнинг тетраплоид ўсимлик эканлигидан далолат берди. Аммо, ҳамма оналик чанг хужайраларида хромосомалар конъюгациясида айрим бузилишлар (ўртача битта оналик чанг хужайрасида -12<sup>I</sup> (унивалентлар), 18<sup>II</sup> (бивалентлар), 2<sup>IV</sup> (квадривалентлар)) аниқланди (3-расм а, б).


C<sub>1</sub> *spp.nanking* (новвотранг) автополиплоид ўсимлигида M<sub>I</sub> босқичида ўрганилган 14 та оналик чанг хужайраси (ОЧХ) хромосомалар конъюгациясида бузилишлар кузатилган.



**3-расм.** C<sub>1</sub> *spp.nanking* новвотранг толали автополиплоид ўсимлигида мейознинг метафаза I босқичида хромосомалар конъюгацияси: а - 12<sup>I</sup>, 18<sup>II</sup>, 2<sup>IV</sup>; б - 10<sup>I</sup>, 21<sup>II</sup>; в - 20<sup>I</sup>, 16<sup>II</sup>.

Тетрадалар таҳлили бўйича, C<sub>1</sub> *spp.nanking* (новвотранг) 5 та ўсимликда юқори мейотик индекс (81,5 - 97,7%) аниқланди. Б-29, Б-54 ва Б-70 ўсимликларида микроядроли тетрадалар ва полиадалар кўринишидаги айрим бузилишлар кузатилди.

Айниқса бу кўрсаткичлар Б-70 ўсимлигида юқори бўлиб, мейотик индекс – 81,5%, микроядроли тетрадалар – 10,4%, полиадалар (3-расм в) (гексада, гептада, октада) – 4,2% ни ташкил этди. C<sub>1</sub> *spp.nanking* (новвотранг) полиплоид ўсимликлари анеуплоид споралар мавжудлиги билан ажралиб туриши аниқланди. C<sub>1</sub> *spp.nanking* (новвотранг) (Б-28) шаклининг мейотик индекси  $91,8 \pm 1,4$  ни ташкил этиб, аномал тетрадалар: микроядроли тетрадалар ( $1,33 \pm 0,59$ ) ва айрим полиадалар ( $0,80 \pm 0,46$ ) учраши кузатилди (4-расм).



**4-расм.** Айрим диплоид шаклларда спорадалар таҳлили (тетрадалар кўринишлари) (40x): а – нормал тетрада *spp.neglectum*, б – микроядроли тетрада *spp.neglectum* f. *sanguineum* в – гептада (C<sub>1</sub> *spp.nanking* (новвотранг)).

Аксарият автополиплоид ўсимликлар репродукция фазасига кирмади, шоналар ривожланмади, гул чанглари етилмасдан куриб қолиш ҳолатлари кузатилди. Чанг ҳаётчанлиги бўйича ўрганилган 7 та автополиплоид намуналар орасида *C<sub>1</sub> ssp.neglectum* нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлди (95,42±0,88). *C<sub>1</sub> ssp.neglectum*, *ssp.neglectum f.sanguineum*, *ssp.obtusifolium var.indicum* шакллари деярли бир хил кўрсаткичга эга бўлди. *C<sub>1</sub> ssp.obtusifolium var.indicum* намуналарида бошқа намуналардан кескин фарқ қилган ҳолда энг паст кўрсаткич (63,92-65,77%) кузатилди (3-жадвал). Бундай ҳолат, ўрганилаётган намуналарнинг хромосомалари структуравий тузилишида фарқлар борлигидан далолат беради.

### 3-жадвал

#### *G.arboreum* L. тури автополиплоид шаклларида чанг ҳаётчанлиги, %

№	Намуна	Манбалар	Жами чанг доначалар	Чанг ҳаётчанлиги	limit	S, %	V, %
1.	Б-19	<i>ssp.nanking</i> (новвотранг)	354	85,03±1,71	75,0-90,9	5,39	6,34
2.	Б-22	<i>ssp.nanking</i> (новвотранг)	655	95,42±0,88	89,2-98,3	2,78	2,91
3.	Б-15	<i>ssp.neglectum f.sanguineum</i>	659	82,08±1,63	76,6-90,3	5,16	6,29
4.	Б-7	<i>ssp.obtusifolium var.indicum</i>	1567	84,02±1,47	77,7-90,7	4,64	5,52
5.	Б-8	<i>ssp.obtusifolium var.indicum</i>	1323	84,50±0,56	81,8-86,6	1,75	2,08
6.	Б-9	<i>ssp.obtusifolium var.indicum</i>	333	65,77±1,21	62,5-70,5	3,81	5,81
7.	Б-67	<i>ssp.obtusifolium var.indicum</i>	316	63,92±2,10	50,0-72,4	6,63	10,37

“Ўзанинг турлараро  $F_1$  ҳамда  $F_2$  дурагай авлодларида айрим қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги” деб номланган тўртинчи бобда тола узунлиги, тола чиқими, битта кўсақдаги пахтанинг вазни ҳамда 1000 дона чигит вазни белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича статистик таҳлиллар шунингдек, “Л-815” тизмаси асосида яратилган янги “Афросиёб-28” навининг морфо-хўжалик белгилари бўйича тавсифлар баён этилди.

Диплоид *G.arboreum* L. *ssp.nanking* (оқ ва новвотранг толали) намуналарида тола узунлиги мос равишда ўртача 22,5 мм ва 21,9 мм ни, тетраплоид *G.mustelinum* турида эса 32,5 ммни ташкил қилганлиги кузатилди. *G.hirsutum* L. турига мансуб “Л-815” тизмаси, “Омад” ва “Тенофонд-2” навларида мос равишда 33,7 мм, 33,7 мм, 33,8 мм кўрсаткичлар қайд этилди.  $F_1$  ўсимликларида тола узунлиги  $F_1 G.mustelinum \times C_1 ssp.nanking$  (новвотранг) комбинациясида 27,3 мм бўлиб, вариация коэффиценти 2,7% ни, белги бўйича ирсийланиш даражаси  $h_r = -0,02$  ни ташкил этиб кучсиз салбий доминантлик ҳолида ирсийланди.  $F_1 G.mustelinum \times C_1 ssp.nanking$  (оқ) комбинациясида эса тола узунлиги 27,7 мм бўлиб, вариация коэффиценти 8,9% ни ташкил этди ва белги қисман салбий доминантлик ( $h_r = -0,04$ ) ҳолатида ирсийланди.

Полиплоид комбинацияларни ўрта толали навлар билан дурагайлаш асосида олинган дурагайларнинг  $F_1$  авлод ўсимликларида тола узунлиги белгиси кўрсаткичлари оралик ҳолда, ҳамда ота-она шаклларида нисбатан бирмунча паст бўлганлиги қайд этилди. Тола узунлиги белгиси  $F_2 G.mustelinum \times C_1 nanking$

(новотранг) комбинациясида ўртача 27,8 мм, вариация коэффиценти эса 5,9%ни ташкил қилганлиги кузатилди.  $F_2$  (*G.mustelinum* × *C\_1 nanking* (новотранг) × “Генофонд-2” комбинациясида 170 та,  $F_2$  (“Л-815” тизмаси × (*G.mustelinum* × *nanking* новотранг толали) комбинациясида эса 222 та ўсимликларнинг кўрсаткичлари мос равишда 5 ва 6 та синфларда жойлашиб, ўртача кўрсаткич 30,2 мм ва 30,6 ммни ташкил этди.

“Тола чиқими” белгиси бўйича *G.mustelinum* турида 27,8% ни, диплоид *G.arboreum* L. ssp.*nanking* (новотранг) ва ssp.*nanking* (оқ) шаклларида мос равишда 18,0% ва 22,9% ни ташкил этди. *G.hirsutum* L. турига мансуб маданий “Л-815” тизмаси, “Омад” ва “Генофонд-2” навларида тола чиқими мос равишда 38,2%, 35,5% ва 41,7% бўлганлиги аниқланди. Автополиплоид шаклларнинг *G.mustelinum* тури билан ўзаро дурагайланиб олинган комбинацияларидан  $F_1$  (*G.mustelinum* × ssp.*nanking* (новотранг)да тола чиқими 20,2%,  $F_1$  (*G.mustelinum* × *C\_1* ssp.*nanking* оқ толали) комбинациясида эса 23,8% ни ташкил этди. Дурагайларда вариация коэффиценти кичик 4,1% ва 13,4 эканлиги маълум бўлди.

